

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОДИРОВА БУЗУЛАЙҲО ТУРҒУНОВНА**

**БАДИИЙ АСАРЛАР ВОСИТАСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ**  
**ЎҚУВЧИЛАРИДА ТАРИХИЙ ОНГНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**  
**МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Қодирова Бузулайҳо Тургуновна**

Бадий асарлар воситасида бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни  
шакллантириш методикаси ..... 5

**Қодирова Бузулайҳо Тургуновна**

Методика формирования исторического сознания у учащихся начальных  
классов посредством художественных произведений ..... 27

**Kodirova Buzulaykho Turgunovna**

Methods of forming historical consciousness in primary school swimmers through  
works of art ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 57

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОДИРОВА БУЗУЛАЙҲО ТУРҒУНОВНА**

**БАДИИЙ АСАРЛАР ВОСИТАСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ**  
**ЎҚУВЧИЛАРИДА ТАРИХИЙ ОНГНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ**  
**МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.Phd/Ped1362. рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ходжаев Бегзод Худайбердиевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ниёзметова Роза Хасановна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Собирова Махбуба Юсубжановна**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Нукус давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 25 февраль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (99869) 227-06-12; факс: (99869) 227-07-61; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz))

Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (690 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (99869) 227-29-81.

Диссертация автореферати 2022 йил 12 февраль куни тарқатилди.  
(2022 йил 12 февраль да 14 рақамли реестр баённомаси).



**Т.Файзуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

**Ш.К.Хўжамбердиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**К.М.Боймирзаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, г.ф.д. (DSc), доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ўқувчи-ёшларда миллий ва умуминсоний кадриятлар, тарихий-маданий меросга кадриятли муносабатни шакллантириш, таълим олувчиларда бугун ва ўтмишга нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, инсоннинг ўзлигини англаб етиши, тарихий билим ва тажрибага эга бўлишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган қатор халқаро ҳужжатларда ўсиб келаётган авлоднинг тарихий онги ва тафаккурини ривожлантириш, кичик мактаб ёшидан оқ ўқувчиларга тарихий пропедевтик курсларни ўқитиш мақсадга мувофиқ эканлиги алоҳида қайд этиб ўтилган. Шу билан бирга, бошланғич синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш асосида бадиий асарлар воситасида тарихий онгни шакллантиришнинг интегратив-педагогик механизмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда бошланғич таълим жараёнида ўқув фанларини ўрганишда тарихий материаллардан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг билишга қизиқишини оширишнинг педагогик-психологик механизмларини такомиллаштириш, фалсафий-антропологик ёндашув асосида ўқувчиларда индивидуал ва жамоавий тарихий хотирани шакллантиришнинг интерфаол технологияларини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, маданий диалог воситаси сифатида тарихий онгни шакллантиришнинг гуманитар технологияларини ишлаб чиқиш, ўқувчиларда тарихий онгни шакллантиришда бадиий педагогика имкониятларидан фойдаланишнинг мақбул механизмларини такомиллаштириш, ўқувчиларда тарихий онгни шакллантиришнинг диагностик тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бадиий асарлар воситасида бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантириш ўқувчиларнинг мустақил, танқидий ва креатив фикрлашини ривожлантириш йўлларини аниқлаштиришни тақозо этади.

Республикада бошланғич таълим сифатини ошириш, ўқувчиларда ўқиш ва мутолаа маданиятини шакллантириш, бадиий асарларни ўқишга қизиқишни ошириш, кичик мактаб ёшидаги тарбияланувчиларда ватанпарварлик ва фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Ёшларда болалик чоғидан китобга меҳр уйғотиш, мустақил фикр ва кенг дунёқарашни шакллантириш уларнинг ҳаёт йўлларида мустақам замин бўлади”<sup>1</sup>. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларида миллий ўзликни англаш, миллий кадриятларга ҳурмат ва ифтихор туйғуларини тарбиялашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантиришнинг педагогик-психологик ва методик хусусиятларини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 19 мартда ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши. <https://www.president.uz/uz/lists/view/2437>

аниқлаштириш, бадиий асарлар воситасида ўқувчиларда тарихий онгни шакллантириш методикасини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва мутолаа кўникмаларини шакллантиришнинг методик жиҳатлари Т.Ғаффорова, А.Умаров, Э.Йўлдошев, С.Матчонов, Б.Ғаниева, С.Камбарова, Ё.Қаюмхўжаева, М.Асқаровалар, ўқувчиларда адабий таҳлил малакаларини шакллантириш масалалари Қ.Йўлдошев, М.Мирқосимова, В.Қодиров, Р.Ниёзметова, Қ.Ҳусанбоевалар, ўқувчиларда тарихий онгни шакллантиришнинг фалсафий, тарихий ва педагогик асослари Н.Жўраев, Д.Абдуллажонова, Р.Рахмонов, Ф.Файзиев, Б.Ходжаев, Қ.Шоназаровлар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан Л.Борзова, Л.Бурова, Л.Виготский, В.Костиников, Т.Кузьмина, О.Парипко, А.Самиев, Н.Терещенко, А.Степанищев, М.Студеникин, В.Шоган кабилар томонидан бошланғич синф ўқувчиларида тарих курсини ўқитиш мазмуни, бошланғич синфларда тарих-жамиятшунослик пропедевтик курси бўйича машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишнинг методик асослари, бадиий матнлар устида ишлашнинг самарали усуллари ёритиб берилган.

Хорижлик олимлардан Р.Арон, С.Ахонен, К.Батлер, М.Карретеро, А.Кларк, Д.Кэтрин, Д.Мортон, К.Риббинс, Й.Рюзен кабиларнинг тадқиқотларида тарих ўқитишнинг инновацион усуллари, бадиий-тарихий, нарратив матнлар устида ишлаш методикаси, тарихий онг ва тафаккурнинг фалсафий, психологик ва дидактик хусусиятлари ўз аксини топган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг КА-1-004 “Ўзбекистонда модернизация жараёнлари ва ёшларда инновацион онг шаклланишини амалий тадқиқ этиш” (2017-2019 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бадиий асарлар воситасида бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантириш методикасини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантириш муаммосининг педагогик-психологик ва методик адабиётларда ўрганилиши ҳолатини таҳлил этиш;

тарихий онгни шакллантиришнинг тузилмаси, компонентлари ва ўқувчиларда тарихий онгни таркиб топтириш омилларини аниқлаштириш;

бадиий асарларнинг бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантиришга доир методик имкониятларини ёритиб бериш;

бадиий асарлар воситасида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тарихий онгни шакллантиришнинг методик шарт-шароитларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бадиий асарлар воситасида бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантириш жараёнлари танлаб олинган бўлиб, тажриба-синов ишларида Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари умумий ўрта таълим мактабларининг 647 нафар респондент-ўқувчиси иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предметини** бошланғич синф ўқувчиларда тарихий онгни шакллантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда педагогик-психологик, методик манбаларни ўрганиш ва таҳлил этиш, кузатиш, суҳбат, тест, педагогик эксперимент, математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** куйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантириш тузилмаси ва компонентлари тарихий билим, тасаввур, тарихий идрок, тарихий воқеликни баҳолаш компонентларининг тарихий онгнинг индивидуал, жамоавий, илмий-назарий, умумлашган шакллари тарбиявий, креатив, баҳоловчи функциялар билан бевосита ва билвосита алоқадорлигини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантириш жараёнининг алгоритмик босқичлари фанлараро ёндашувнинг имкониятларини кенгайтириш, ўқув материалларини интегративлик тамойили асосида структуралаш, ўқиш дарсларида бадиий-тарихий матнлар устида ишлашнинг праксиологик даражаси барқарорлигини таъминлашга устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

ўқиш дарсликларида берилган бадиий матнлар ҳамда дарсдан ташқари ўқиш машғулоти учун мўлжалланган тарихий тавсифга эга қўшимча материалларнинг “ўтмиш – бугун – келажак” тамойили билан адаптивлигини

таъминлаш асосида бадиий асарлар воситасида бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантиришга доир методик жараёнларнинг самарадорлиги асосланган;

бадиий асарлар воситасида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тарихий онгни шакллантиришнинг методик шарт-шароитлари рефлексив машқ ва ўйинларга асосланиб лойиҳаланган “Ибрат ва ўз-ўзини англаш” муаллифлик дидактик тизимини мустақил ўқиш жараёнида тизимли қўллаш, замон ва макон бирлигида давр билан диалогга киришишнинг адаптив даражаларини белгилаш асосида такомиллаштирилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

бадиий асарлар воситасида тарихий онгни шакллантиришга доир ўқув материаллари структуралаштирилган ва таълим амалиётига жорий этилган;

бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантиришга доир интерфаол топшириқлар мажмуи ишлаб чиқилган;

муаллифлик ёндашуви асосида ўқувчиларда тарихий онгни шакллантиришга доир “Беш босқич” локал-модулли технологияси ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқувчиларида рефлексив кўникмаларни шакллантиришга доир илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** қўйилган муаммога фалсафий, психологик, педагогик ҳамда методик ёндашиш, бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантиришда мамлакатимиз ва хориж олимлари тажрибасига асослангани, тадқиқот вазифаларига мувофиқ методлар танлангани, тавсия ҳамда таҳлилларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан таъминлангани; тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлари воситасида асослангани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани ҳамда хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантириш муаммосининг педагогик-психологик ва методик адабиётларда ўрганилишининг қиёсий таҳлил этилганлиги, бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантириш тузилмаси, компонентларининг аниқланганлиги, бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантиришга таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражасининг белгилаб берилганлиги, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларида ўқувчиларда тарихий онгни шакллантириш усуллариининг тизимлаштирилганлиги, бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантиришга доир ўқув материалларини структуралаштириш тамойилларининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бадиий асарларнинг бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантиришга доир методик имкониятларининг аниқланганлиги, ўқиш дарсликларида берилган бадиий матнлар ҳамда дарсдан ташқари ўқиш машғулотлари учун мўлжалланган тарихий тавсифга эга қўшимча материаллардан фойдаланиш



йўллариининг ишлаб чиқилганлиги, бадиий асарлар воситасида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тарихий онгни шакллантиришнинг методик шарт-шароитларининг такомиллаштирилганлиги, муаллифлик технологияларининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан бошланғич синфлар учун миллий ўқув дастурлари, дарслик ва услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш, бошланғич таълим методикасига доир янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ҳамда бошланғич синф ўқитувчиларининг малакасини ошириш курсларида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бадиий асарлар воситасида бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантириш методикаси бўйича илмий натижалар асосида:

бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантириш тизилмаси, моҳияти ва компонентларини аниқлаштириш, ўқувчиларда миллий ва умуммаданий компетенцияларни шаклланганлигини баҳолаш мезонлари ва ўқув топшириқлари мажмуини ишлаб чиқишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 159-бандида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурларини ишлаб чиқишга фойдаланилган (Республика таълим Марказининг 2020 йил 27 июлдаги 01/11-02/2-763-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич таълим мазмунини тарихий тавсифдаги ўқув материаллари асосида такомиллаштиришга хизмат қилган;

бадиий асарлар воситасида бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантириш моделининг амалий компонентини интерфаол таълим методларини қўллаш асосида такомиллаштириш, бадиий асарлар воситасида ўқувчиларда тарихий онгни шакллантириш технологиясининг алгоритмик босқичларини аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Тарбия фанини ўқитиш технологияси” қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим Марказининг 2020 йил 27 июлдаги 01/11-02/2-763-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф тарбия дарсларида тарихий-бадиий матнлар устида ишлашга доир топшириқлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган;

бадиий педагогика воситасида ўқувчиларда тарихий онгни шакллантиришга доир бадиий асарлар устида ишлашга доир ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш, виртуал экскурсияларни ташкил этиш ва ўтказишга доир таклифлардан Халқ таълими вазирининг 2020 йил 30 апрелдаги “Халқ таълимини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида”ги 114-сон буйруғига асосан, “Республика таълим маркази негизида ўқув-методик адабиётларни нашргача тайёрлаш блокинни ташкил этиш” лойиҳаси доирасида умумтаълим муассасаларининг 4-синфлари учун дарслик ва ўқув методик мажмуаларни яратишда фойдаланилган. (Республика таълим Марказининг 2020 йил 27 июлдаги

01/11-02/2-763-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларининг тарихий онгини шакллантиришда педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини эълон қилиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 7 таси республика ва 4таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 139 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Бадиий асарлар воситасида бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида тарихий онг тушунчаси ва унинг ижтимоий интеллект билан ўзаро алоқадорлиги, шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантиришнинг психологик-педагогик ва методик хусусиятлари тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда кечаётган маънавий ислохотлар нафақат миллий ўзлик ғояларининг моҳиятини англашга, балки унинг тарихий илдизлари, жумладан тарихий онг, тарихий хотирани ўрганишга имкон яратди. Ҳар қандай мамлакатнинг келажаги, унинг нурли истиқболи унда яшаётган халқ тарихий онгининг теранлиги, тарихий хотира бедорлиги, ўтмишдан ибрат олиши ва сабоқлар чиқаришига бевосита боғлиқ. Тарихий хотира ҳамда тарихий онг жамият ва унда яшайдиган инсонлар маънавиятининг ажралмас бўлаги бўлиб, у қанчалик теран, мазмунли бўлса, инсонда тарихдан ифтихор туйғусини вужудга келтиради, халқни бирлаштиради, тарихдан сабоқ олиб, улкан, бунёдкор юмушларни бажаришга чақиради.

Тадқиқот натижалари тарихий онгнинг ўзи нима эканлиги, унинг ижтимоий онг тизимидаги ўрни масаласини талқин қилишга нисбатан кўплаб уринишлар мавжудлигини кўрсатди. Уларни умумлаштириб айтганда, мазкур феноменни талқин қилишга нисбатан иккита ёндашувни ажратиб кўрсатиш

мумкин: ўтмиш, бугун, келажак ўртасидаги онтологик алоқадорлик; ижтимоий онг тузилмасидаги унинг ўрнини аниқлашга доир нуқтаи назарлар.

Феноменологик нуқтаи назардан тарихий онг тушунчасига дастлаб А.Шюц томонидан таъриф берилган<sup>1</sup>. У тарихий онгни тарихий воқеликни идрок этувчи ворис сифатида ўтмишни англашга имкон берадиган фикрлаш жараёнларининг интеграл такрори сифатида талқин қилган. Ўтмиш ўзига хосликка эга бўлиб, “аждодларнинг “alter ego” дунёсини англаш тажрибаси ҳозиргидек ва худди менинг тасаввуримдаги сингари бўлмаслиги мумкин”.

Француз мутафаккири Реймон Арон “тарихий онг” тушунчасини кўйидаги тарзда талқин қилган: “Менинг фикримча, – деб таъкидлайди у, – тарихий онг ўзида учта махсус элементни акс эттиради: анъаналар ва эркинлик ўртасидаги диалектикани англаш, реаллик ёки ўтмиш ҳақиқатини билишга интилиш, ижтимоий ташкилотлар ва инсон меҳнати ўртасидаги алоқа тасодифий бўлмасдан, инсон учун у энг асосийси ҳисобланади”<sup>2</sup>.

Тадқиқотчи Д.Абдуллажонова эса, тарихий онг тушунчасини кўйидагича таърифлайди: “Тарихий онг ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, жамият томонидан ўзининг келиб чиқиши ва замондаги ўрни, ўтмиши, бугунги куни ва келажак ўртасидаги алоқадорликнинг англаниши, ижтимоий воқеликнинг объектив идрок этилишидир”. Шу боис тарихий онг миллий ўзликни англашнинг тарихий, шунингдек, замонавий асосларидан бири дейиш мумкин. Мустақиллик даврида бу масалага жиддий ёндашилди, тарихни ўрганиш ва унга баҳо беришда ўтмишнинг ҳамма даврлари ва воқеликлари эътиборга олинди, бугунги кунда ҳам ёшларда тарихий онгни шакллантириш ва тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадқиқотнинг таянч тушунчасига доир турли тавсифлар асосида кўйидаги тарзда муаллифлик таърифи шакллантирилди: тарихий онг ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлиб, алоҳида бир халқ ва яхлитликда инсониятнинг ўтмиши ҳақидаги тасаввурлар йиғиндисини ўзида ифода этиб, ижтимоий муносабатларни йўналтирувчи кучи сифатида ўз-ўзини англашнинг муҳим компоненти сифатида хизмат қилади.

Қадимдан аждодларимиз тарихга, тарихий хотира, тарихий онгнинг аҳамиятига айрича муносабатда бўлганликларига гувоҳ бўламиз. Шарқшунос олим А.О.Маковельский “Авесто” асарини ўрганар экан, унда ўтмишдан сабоқ олиш, аждодлар ўғитига қулоқ солиш, эришилган ғалаба ва ютқизиклардан ўрганишга даъват борлигига диққат қаратади. Муқаддас Қуръони каримнинг бир нечта сураси ва кўплаб оятлари бевосита тарих воқелигига бағишлангани бежиз эмас. Илоҳий бу китобда ҳам Яратганнинг Ўзи бандаларига, шунингдек, ҳадисларида пайғамбаримиз ўз умматига тарих орқали сабоқ беради, ўтмиш воқеликлари воситасида ибрат орқали маънавий камолотга ундайди, жамият аъзоларида ижтимоий интеллектни шакллантиришни ирода этган, дейиш мумкин. Кўринадики, тарихий онг

<sup>1</sup>Шюц А. Избранное: Мир, светящийся смыслом: пер. с нем. и англ. – М.: «Российская политическая энциклопедия» (РОССПЭН), 2004. – 1056 с.

<sup>2</sup> Арон Р. Измерения исторического сознания. – М.: Либроком, 2014. – 196 с.

аввало, ақлий фаолият, тафаккур йўналишини тартибга солади, инсонни ўзлигини билиш орқали бошқалар билан муносабатга киришади ва бу муносабатларнинг мазмун ва моҳиятини белгилайди. Бу ўз навбатида тарихий онгнинг ижтимоий интеллект билан чамбарчас боғлиқ воқелик эканини кўрсатади. Шу боис юртимизда ҳам, хорижда ҳам ижтимоий интеллект мазмун-моҳияти, унинг инсон ва жамият ривожигаги маънавий, маърифий аҳамиятига эътибор қаратиб келинмоқда.

Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Абулғозий Баҳодирхон, Мунис, Огаҳий каби алломалар тарихга оид махсус асарлар яратганлар. Бу ўтмиш аждодларимиз тарихни муқаддас деб билишганига ишора қилади. Чунки тарихни билиш орқали шаклланган тарихий онг миллатни таназзулдан асрайди, уни бирлаштиради, олдинга бошлайди.

Тарихдаги ижтимоий онгнинг дин, илм, бадиий адабиёт, санъат каби шаклларида инъикос топган тарихий бунёдкорлик, юксак санъат, одамийликнинг олий намунаси каби фазилатлардан юқоридаги каби ўзи ва бошқалар учун давомли, туганмас ҳаёт мактабидир. Буларнинг барчаси тарих жамият аъзоларида ижтимоий интеллектни шакллантиришнинг энг муҳим, бирламчи омили эканлигини ойдинлаштиради. Тарихий мавзудаги бадиий асар намуналари инсонга эстетик завқ бериши билан бирга унда ўзини ва ўзгаларни англаш, бошқалар билан муносабатда юксак маънавий мезонлар билан, айна пайтда чуқур тафаккур ва мушоҳада билан ёндашиш масъулиятини юклайди, бунинг заруратини англашга ёрдам беради.

Тарихий онгда ўзаро ички зиддиятдан иборат “ўтмиш–бугун–эрта” учлиги мавжуд бўлади. У тарбияланувчининг муайян бир шахс, ижтимоий қатлам ва этносларнинг қайси бир давр, замонда тутган ўрни, тарихи, бугуни ҳамда келажаги орасидаги боғлиқликни англаши, идрокининг аксланиши саналанади.

Тарихий онг мазмунини билан алоқадор ижтимоий онг, менталлик, тарихий давр ва макон каби ҳодисаларни ҳисобга олиш асосида тадқиқотда унинг қуйидаги даражалари аниқлаштирилди: 1) мифологияда акс этувчи ибтидоий онг (ибтидоий фикрлаш); 2) халқ ижодида ўз ифодасини топган индивиднинг бевосита ҳаётий тажрибасини назарда тутувчи кундалик онг; 3) махсус ташкиллаштирилган таълим ва тарбия жараёнида ўзлаштирилган ахборот, тарихий-маданий қадриятлар билан алоқадор тарихий хотира; 4) ўтмиш ва ҳозирги жаҳон маданий турфа хиллиги доирасида шаклланган жамоатчилик онги; 5) шахсий ёки индивидуал онг.

Ушбу бобда тарихий билим, тарихий хотира, тарихий дунёқараш тушунчаларининг тарихий онгга муносабати, ушбу ижтимоий онг кўринишини шакллантиришдаги ўрнига тўхтаб ўтилган. Тарих фалсафаси бўйича илмий изланишлар олиб борган сиёсатшунос олим Н.Жўраевнинг эътирофича, тарихни англаш тарихий билим манбаларига қизиқишдан, уни ўрганишдан бошланади. Ҳар қандай англаш жараёни, тасаввурлар ва тафаккур дебочаси экан, айна пайтда тарихий билимга эҳтиёж инсоннинг ўзига, келиб чиқишига, инсоният тақдири ва тарихига қизиқишнинг

мавжудлигидан эканлигига шубҳа қолмайди. Тарихий онг, тарихий хотира ва тарихий билимни таркиб топтириш орқали ўқувчида тарихий дунёқараш таркиб топади. Ўз навбатида, тарихий дунёқараш ўқувчида кенг кўламда тарихий тафаккур юритиш имконини ҳосил қилади.

Бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантириш бир қатор психологик омиллар таъсири остида кечади дейиш мумкин. Бу бошланғич синф ўқувчисининг ўзини англай билиши, яъни ўзига баҳо бериш истаги сингари установакалар; ўзини ўзгалар билан қиёслаши; фикрларини очик, маъноли баён қилиши; бошқаларнинг қарашларига муроса билан муносабатда бўлиш каби ҳиссий (эмоционал) хусусиятлар, шунингдек, шахс ундовчи – мотивацион соҳа ривожини мазкур жараёнда муҳим аҳамият касб этади (1-расмга қаранг).



**1-расм. Тарихий онгни шакллантиришнинг психологик омиллари**

Айни пайтда бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантиришда педагогик омилларнинг етакчилигини ҳам эътироф этиш ўринли. Бу омиллар юқорида зикр қилинган миллий-маънавий ва психологик омилларни ўзида жамлаган ҳолда ифода этиши билан ҳам характерлидир. Тарихий онгни шакллантиришда миллий тарбия, тарихий тарбия, ўқувчининг ўқув жараёнида билиш фаолиятини ташкиллаш ва бошқариш ҳамда замонавий таълим шароитида ўқитувчи фаолиятини модернизациялаш алоҳида аҳамият касб этади. Миллий тарбия – бу ёш авлодни оммавий маданиятдан, унинг таъсирларидан муҳофаза этишнинг самарали механизми ҳамда болаларни оммавий ахборот хуружларидан ҳимоялашнинг таъсирчан восита, метод ва шакллари тизими.

Тарихий тарбия ёрдамида миллатнинг тарихий илдизларини англаши, ўтмишда рўй берган жараёнларни таҳлил этиш орқали улардан бугунги кун учун зарур сабоқлар чиқариши, реал воқелик, уни келтириб чиқарган сабаблар, омилларни чуқурроқ англаб етиши ва йўл қўйилган хатолардан хулоса чиқарган ҳолда эртанги кунининг оптимал йўллари бeлгилаши мумкин бўлади. Педагогик омиллар таълимда ўқувчи шахсига замонавий, янгича ёндашув ҳамда айна пайтда ўқитувчидан инновацион фаолиятни самарали йўлга қўйишни тақозо қилади.

Диссертациянинг **“Бадиий асарлар воситасида ўқувчиларда тарихий онгни шакллантиришнинг амалий-технологик тизими”** деб номланган иккинчи бобда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларда тарихий онгни шакллантиришнинг амалий-методик жиҳатлари ёритилган.


Тарихий онг халқимиз томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликларга таянган ҳолда яратилар экан, мактаб ўқув предметида уларнинг мазмун-моҳияти ўқувчилар ёш хусусиятини эътиборга олиб киритилган бадиий матнлар воситасида сингдирилади. Уларни иккига гуруҳга ажратиш мумкин: дарсликларда берилган бадиий матнлар (дарс машғулотларида тарихий онгни шакллантиришда қўл келадиган мавзулар) ҳамда дарсдан ташқари машғулотларда тарихий онгни шакллантиришга ёрдам берадиган қўшимча материаллар. Биринчи гуруҳдаги материаллар ҳам икки турга бўлинади: а) тарихий мавзудаги бадиий асар намуналари; б) тарихий бўлмаган мавзудаги бадиий асар намуналари.

Тадқиқот натижалари асосида бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантириш модели ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).

Тарихий мавзудаги бадиий асар намуналарини ўрганиб, қуйидагича тасниф қилиб олдик: 1. Тарихий шахслар (аждоқларимиз) ҳақидаги матнлар; 2) миллий анъаналаримиз ва байрамларимиз (қовун сайли, Наврўз, Ҳосил байрами, Мустақиллик байрамлари) акс этган матнлар; 3) тарихийлик акс этган халқ оғзаки ижоди намуналари.

Тарихий шахслар (аждоқларимиз) ҳақидаги матнлар билан ишлашда биз ўзимиз тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёнида қўллаган ва кўзланган натижага олиб келган **“Беш босқич”** технологияси келтирилган: 1) қисқача кириш суҳбати; 2) матн билан таништириш; 3) ўқувчилар матнни қанчалик тўғри тушунганини текшириш; 4) матнни ўқувчиларда тарихий онгни шакллантириш мақсадига кўра таҳлил қилиш; 5) ўрганилган матн юзасидан хулосалар чиқариш. Шу беш босқични 2-синф “Ўқиш китоби”даги Бўрибой Аҳмедовнинг асаридан олинган “Амир Темур ҳақида ҳикоя” матни асосида қандай амалга ошириш кўрсатиб берилган. Таҳлил сўнгида болаларга “Бугун ўрганган мавзумиздан ўзингизга қандай хулоса чиқарганингизни айтинг” тарзидаги топшириқ ёки шу маънодаги савол бериш мумкин. Ёки ҳикоя мазмунига мос тушадиган мақолларни келтиринг топшириғи ҳам ғоят ўрин бўлади. “Интилганга толе ёр”, “Илмли ўзар, илмсиз тўзар” каби мақолларни сўраш орқали ёки оғзаки тест усули тарзида жавоб келиниши мумкин. Савол ва жавоблар, хулосалар албатта тарихий чизгилар

характеридаги билимларга таяниб, тарихий хотира ва дунёкараш учун замин ҳозирлаши керак.



**2-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида тарихий онгни шакллантириш модели**

Тарихий мавзудаги бадиий асар намуналари сирасидаги иккинчи таснифлаганимиз миллий анъаналаримиз ва байрамларимиз (қовун сайли, Наврўз, Ҳосил байрами, Мустақиллик байрамлари) акс этган матнлардир. Бу тур матнларни ўрганиш юқоридаги каби тартибда амалга оширилади, фақат бу кириш, яъни байрам ёки анъананинг номланишини изоҳлаш, тарихи ҳақида қисқача суҳбат тарзида ўтказилади. Ҳар бир қадриятга бағишланган бадиий матн ўзига хос ёндашувни талаб қилади. Масалан, Наврўз байрами ҳақидаги матнлар 1-4-синфларнинг барчасида бор. Уларни ўрганишда узвийлик тамойилига амал қилиш керак, яъни 2-4-синфларда қуйи синфларда ўрганилган маълумотлар, ўзлаштирилган билимларни ҳисобга олиш муҳим. Саналган босқичлар айнан бир-бирини такрорлаб қўймаслиги лозим. Илгари ўрганилган билимларга кириш суҳбатида, шунингдек, тўртинчи босқичда – матн таҳлилида мурожаат қилиниши ўринли саналади. 2-синфда “Булоқча” болалар журналичан олинган “Наврўз – табиат тантанаси” матни келтирилган. Шу матнда Наврўз арафасида *ҳашар* ўтказилиши ҳақида ҳам фикр бор. Ўқитувчи албатта ушбу азалий бўлган миллий анъанамизга ўқувчилар диққатини қаратиши керак. Миллатнинг жипслиги, ўзаро ёрдам ва бирдамлик, инсонпарварлик, олижаноблик намунаси бўлган бу анъана узоқ тарихга эга эканлиги, бу каби ноёб қадрият ҳамма халқларда ҳам учрамаслигини тушунтириш орқали ўз тарихидан ва миллати маънавиятидан фахрланиш туйғусини бола онгу шуурига сингдириш муҳимдир.

Тарихий мавзудаги бадиий асар намуналарининг таснифимиздаги охириги тарихийлик акс этган халқ оғзаки ижоди намуналаридир. Ҳар қандай фольклор асарида тарихий воқелик, аждодлар тажрибаси ва ибрати, шунингдек, маънавий олами акс этиб туради. 1-4-синф “Ўқиш китоби”да эртаклар, ривоятлар, халқ қўшиқлари, топишмоқ ва мақоллар болаларнинг ёшидан келиб чиқиб танлаб, дарсликларга киритилган. Улар ичида эртак катта ўринни эгаллайди. “Бир бор экан, бир йўқ экан...” анъанавий бошланмасидаги тўлиқсиз феълнинг узоқ ўтган замон шаклида берилиши, қолаверса, “...қадим ўтган замонда” ибораси беихтиёр ўтмишни, тарихни ёдга солади, яъни тарихийлик туйғусини уйғотади. Ана шу тарихийлик, яъни рамзий “кеча” (кечаги кун – ўтмиш) биз айни пайтда яшаб турган “бугун” (ҳозирги замон) ва “эртанги кун” (келажак) бўлган ҳаётимизнинг ибтидоси эканлиги болалар онгига сингдирилади.

Биринчи гуруҳдаги, яъни дарс машғулотлари материаллари асосида тарихий онгни шакллантиришнинг иккинчи тури – тарихий бўлмаган мавзудаги бадиий асар намуналари асосида амалга оширишдир. Бунда ҳар қандай мавзудаги: Ватан, касб-ҳунар, саховат тинчлик – барчаси мантиқий боғланиш билан тарихийликка уланади ва кўзланган мақсадга хизмат қилади. Айтайлик, Ватан мавзусидаги шеърлар, насрий матнлар, мақоллар ҳар бир синфда кўп ва хўб берилган. 1-синфда Носиржон Жўраевнинг “Ватан” номли матни берилган. Иккинчи сатрбошида “Инсон ўз Ватанини яхши кўради. Шунинг учун ҳам бошқа юртга борганлар ўз Ватанини соғинадилар” гаплари таҳлил қилинганда Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Зокиржон Фурқат каби аждодларимиз қисматига, “Она Ватанни фақат яхши кўриш эмас, уни асраб-



авайлаш ҳам зарур” жумласини ўқигач, шунингдек, худди шу матн билан кетма-кет берилган Дилшод Ражабнинг “Юрт қалқонлари” шеъри таҳлилида Тўмарис, Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби Ватан фидойилари эсланади. Қайси тарихий воқеа ёки шахснинг қай томонларига қанча даражада боғлаш бадиий матннинг мазмуни, қолаверса, бу мавзудаги матн нечанчи синфда берилаётганига қараб белгиланади.

Дарсдан ташқари машғулотларда тарихий онгни шакллантириш бевосита дарс машғулотларида бу борада олиб борилган ишларнинг узвий давоми, мустақамловчи омили дейиш мумкин. Педагогика фани ва амалиётида яқка тартибдаги (индивидуал), тўгараклар, бирлаштирувчи ва оммавий каби энг кенг тарқалган дарсдан ташқари машғулотлар турлари қайд этилади.

Яқка тартибдаги (индивидуал) машғулотлар алоҳида олинган ўқувчилар билан ишлашга йўналтирилади. Масалан, бирор тадбир учун маъруза ёки бадиий ҳаваскорлик каби бошқа чиқишлар, ижод намуналари ва ижодий имкониятларини тақдимот қилиш. Педагог яқка тартибда ишлашни йўлга қўйиш учун аввало, ҳар бир ўқувчининг қобилияти, имкониятини яхши билиши керак.

Тўгараклар мактаб амалиётида кенг тарқалган машғулот тури саналади. Истисносиз ҳар бир фан бўйича тўгараклар ташкил этилади. Ўқиш дарсларига мувофиқ тарзда бошланғич синфларда бадиий адабиёт, китобхонлик тўгараклари ташкил этилади. Бошланғич синфларда бу тўгараклардан кўзланган мақсад умумий ҳолда китобхонлик тарбиясидир, лекин бу мақсад ҳам синфлар кесимида даражаланади. Бу 1-синфдан 4-синфга ўтган сари тўгараклардаги дарсдан ташқари ўқиш мақсади тадрижий равишда ўзгариб боради, деганидир. Масалан, 1-синфда бу турдаги дарсдан ташқари ўқиш машғулотларида асосий мақсад болаларда китобга, китобхонликка бўлган хоҳиш-истакни уйғотиш, китоблар оламига уларни олиб кириш бўлади. 2-синфда дарсдан ташқари ишларнинг асосий шакли бўлган тўгарак ўтказишдан мақсад – ўқувчиларга китоб ўқишни ўргатиш. Ана шу асосий мақсадни адо этиш баробарида тарихий онг шаклланишига диққат қаратиб борилиши мақсадга мувофиқ.

3- ва 4-синфларда дарсдан ташқари ўқиш мазмуни кенгайиб боради, бир-бирига яқин бўлади, ёш хусусиятидан, синфнинг умумий ҳолатидан келиб чиқиб турлича мураккабликда бўлиши мумкин. Мақсад сифатида китобхонлик қизиқишларни шакллантириш деб белгилаш мумкин. Бу ёшдаги болалар бадиий асарлар турли мавзуларда бўлиши мумкинлигини, бу мавзулар орасида тарихий воқеликка бағишланган китоблар борлигини билишлари кўзланади. Машғулотни ташкил қилиш таркиби танланган асарнинг мазмун-моҳиятига кўра ўзгаради.

**Дарсдан ташқари ишларнинг** бирлаштирувчи иш шаклига асосан болалар клублари, мактаб музейи, илмий ёки ижодий жамяятлар киради. Экскурсия давомида ўқитувчи қайси шахс (ёки воқеа) билан боғлиқ экскурсияга борилса, унга тааллуқли яратилган асарлар, хусусан, бадиий асарларга ҳақида алоҳида урғу бериб тўхталиб ўтиши зарур. Бундай

саёхатдан кейин уйга вазифа сифатида оила аъзоларига ўз таассуротларини сўзлаб бериш ва уларнинг муносабатини ёзма тарзда баён қилиш топшириғини бериш мумкин (ёзма топшириқ 3-4-синфлар учун).

**Дардан ташқари ишларнинг** оммавий иш шакли истисносиз ҳамма мактабларда қайсидир даража ва савияда албатта ўтказилиб келиняпти. Агар дардан ташқари машғулотларнинг индивидуал тури бола шахсини тўлақонли ривожлантириш учун педагогик шароитни таъминлашни кўзда тутган бўлса, оммавий машғулотлар жамоа воситасида ҳар бир болага таъсир кўрсатиш имконини яратади. Уларга билимлар беллашуви, бошқа оммавий конкурслар, турли эрталикларни киритиш мумкин. Айниқса, турли байрамлар (Мустақиллик куни, Наврўз каби), адиблар, фан, маданият намоёндаларининг таваллуд кунлари билан боғлиқ мактаб миқёсидаги оммавий тадбирлар анъанавий саналади.

Рефлексия психология фанида ўз рухий ҳолати ҳақида ўйлаш, хаёл суриш, фикр юритиш, уни таҳлил қилишга мойиллик маъноларини англатади. Биз тадқиқ этаётган ўқув фаолиятида қайта алоқа ёрдамида ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи назорат қилиш рефлексия натижаси бўлиб, таълим олаётганларни ривожлантириш ва ўзгартириш, ўқув фаолияти субъекти сифатида уларни фаоллаштириш мақсад марказига қўйилади. Бунда педагог ва ўқувчилар олдига ўзига хос бир қатор вазифалар тавсия этилади. Ўқувчиларга уларнинг фаолиятини онгли, ижодий, мустақил ташкил қилишлари учун ўзини-ўзи назорат, таҳлил қилиш ва баҳолаш имконини берадиган йўналтирувчи савол ва топшириқлар тизимини бериш муҳим аҳамият касб этади. Буни биз “Ибрат ва ўз-ўзини англаш тизими” деб номладик ва бу тизим тарихий мавзудаги асарларни ўрганишда қуйидагича бўлиши мумкин: 1. Нима учун ушбу асарда тасвирланган тарихий шахс (ёки бошқа тарихий воқелик)ни ўрганишим керак? 2. У(лар)ни билиш менга нима беради? 3. Илгари ўрганган (олдинги мавзуларда, бошқа фанларда) билим, олган маълумотлар билан қандай боғлиқлик, ўхшашлик ҳамда фарқли томонлар борлигини аниқлашим керак. 4. Бу шахс (воқелик)дан ўзимга қандай ибрат олдим? Ўзимдаги қайси ютуқ ва камчиликларни тушундим? Бу орқали машғулотларда маълум маънода муаммоли таълим юз бура бошлайди.

Ўқувчиларнинг ўқиб ўрганишлари давомида ҳамкорликда ишлаш фаолиятини ташкил қилишнинг асоси саналган **педагогик фасилитация**да индивидуал, гуруҳли ва жамоавий иш турларидан фойдаланишга диққат қилинади. Муҳими, ўқувчиларда тарихий онгни шакллантиришда уларнинг ҳамкорликда ишлаш кўникмасини шакллантириш асносида коммуникатив компетенция таркиб топтиради. Профессор Б.Ходжаев тадқиқотларида ўқувчиларнинг биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолиятини рағбатлантиришга йўналтирилган педагогик фасилитация асосида мустақил ишларни ташкил этиш технологияси ишлаб чиқилган. Тадқиқотда мазкур технологияга кўра педагогик фасилитация учта – *мотивацион, когнитив-операцион, фаолиятга доир* босқичларда ҳамда тўртта – *танишув, тушуниш, анализ, синтез* даражаларида ифода этилиши тавсия этилди ва дарсликда берилган бадий

асарлар мисолида амалга ошириш механизми очиб берилди (1-жадвалга қаранг).

### 1-жадвал

#### Педагогик фасилитация воситасида ўқувчиларда тарихий онгни шакллантириш технологияси

Босқичлари	Даражалари			
	Танишув	Тушуниш	Анализ	Синтез
Мотивацион	Тарихий шахс, воқеа ёки миллий кадриятлар ҳақида илгари ўрганилган билимлар ёдга олинади, тушунчалар гуруҳлаштирилади ва нима учун ўрганилишига аниқлик киритилади	Муаммони ички ифода этиш рағбати ҳосил қилинади.	Ўрганилаётган тарихий объект (шахс, воқеа, кадрият) билан боғлиқ қўйилган муаммога ечим топишга қизиқиш уйғотилади	Ўқувчининг ўрганилаётган тарихий объект (шахс, воқеа, кадрият) билан боғлиқ қўйилган муаммо ечимига таклиф ва истаги таркиб топади
Когнитив-операцион	Ўқувчи тарихий воқелик билан боғлиқ тушунчаларни белгилаб олади	Ўқувчи берилган топшириқда баён этилган вазиятни шарҳлайди	Ўқувчи топшириқни бажаради ва ўзининг фикрларини бошқаларники билан таққослайди.	Ўқувчи(лар)нинг масала(муаммо)-га ечим излаб топишига монанд фикрлари берилади
Фаолиятга доир	Излаб топилган иш ечимини баён этади.	Ўқувчи таништирилган ечим кўрсатилади. Бу муайян бир чизма ёки жадвалларида бўлиши мумкин	Тарихий воқеликнинг моҳияти таҳлил орқали очиб берилади.	Ўқувчи(лар) ўз хулосаларини таклиф этади.

Бошланғич синфда ўқувчиларда тарихий онгни шакллантиришда педагогик ва ахборот технологиялари ўз ўрнида ва мувофиқ тарзда қўллаш муҳим саналади. Бунда бирламчи муҳим жиҳат – болаларнинг ёши (синфи)дан келиб метод ва усуллар танланиши лозимлиги. Масалан, 1-синфда кечагина мактабгача таълим ташкилотидан ўтган болалар учун ўйин шакли ва мазмунига монанд метод, усуллар яхши натижа беради. 2-синфда ҳам ўйин шакллари сақланиб қолади, лекин аста-секин интеллектуал характердаги унсурларга кенгроқ ўрин берила бошлайди. 3-4-синфларда эса интеллектуаллик етакчилик қилиши мақсадга мувофиқ саналади. Мисол тариқасида улардан амалиётда илғор ўқитувчилар томонидан қўлланилаётган, бизнинг тажриба-синов ишларимизда ҳам яхши натижа берган метод ва усуллардан намуналар келтирилган.

**“Ортиқчасини топ” ўйини.** Бу усулни 1-синфда қўллаш мумкин. Ўқитувчи ўқувчиларга ёки бир ўқувчи иккинчисига, ёхуд кичик гуруҳдагилар бошқа гуруҳга уч-тўрт сўздан иборат тарихий тушунча ёки шахс, воқеа ёки миллий қадриятни айтади. Нариги томондаги(лар) шу сўзлар қаторидаги мазмун-моҳиятан ортиқча бўлган сўзни топишлари керак.

**“У қандай эди?” ўйин-методи.** Бу методни қийинчилик даражасини болалар ёшига мослаб 1-4-синфларнинг барчасида қўллаш мумкин. Аҳамиятли томони шуки, бунда болалар ҳозиржавобликка ўргатилади, шунингдек, ҳозирда ўқувчиларда шакллантирилиши талаб қилинаётган нутқий компетенциялардан сўзлаш (оғзаки нутқ) лаёқатини ривожлантиришга хизмат қилади. Масалан, “Амир Темур – у қандай инсон бўлган?” саволига 1-синф ўқувчилари “Ўқиш китоби”да берилган маълумотларга таяниб, хотираларида сақланиб қолгани қадар жавоб берадилар.

**“Тасвирни ўқиймиз”** методида сурат, чизма ва диаграммалар орқали ўқиш компетенцияси, улардан уққан ва ўқиганлари асосида таассуротларини баён қилиш билан сўзлаш (гапириш) компетенцияси ривожига эътибор берилади. Бунда болалар фақат ҳарфлар билан график ўқишнигина эмас, балки тасвирларни ўқиш машқини қиладилар. Бундан ташқари диссертацияда **“Чархпалак”, “Ўйла, изла, топ” методлари, “Буюкларимиз изидан”** ёки **“Қадриятларни қидириб”** каби лойиҳалаш ишини қўллаш юзасидан тавсиялар берилган.

Ахборот технологияларидан бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларда тарихий онгни шакллантириш учун қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- дарс мавзусини кўрсатиш учун: бунда дарс мавзуси муҳокама қилинаётган масаланинг асосий фикрлари умумлаштириладиган слайдларда тақдим этилади, бунда мавзуга кўра тарихий шахс сурати ёки азалий қадриятларни тамсил этган расм матннинг бир бурчагида ёки ёнма-ён берилиши мумкин;

- ўқитувчининг тушунтиришига ёрдамчи восита сифатида: ўзида қисқа матн (тарихий мавзудаги матн аннотацияси), асосий атамалар (тарихий мавзудаги бадиий матннинг таянч тушунчалари), чизма (мавзу моҳиятига кўра), расмлар (тарихий сиймо, тарихий воқелик ёки қадриятларни мужассамлаштирган сурат), матнни таҳлил қилиш кетма-кетлиги акс этган кўриниш бошланғич синфларга махсус дарслар учун тайёрланган мультимедиали конспект-тақдимот сифатида амалиётда қўлланиб келмоқда;

- инфор­мацион ўқитиш воситаси сифатида. Ўқитишда янги билимларни излаш, англаш ва қайта ишлашда боланинг ўзига хос фаолиятига алоҳида аҳамият берилади. Тарихий сиймо, воқеалар, анъана ва қадриятларимиз ҳақидаги бадиий матнлар ўрганилгач, ўқувчилар улар ҳақида қўшимча батафсилроқ маълумотларга эга бўлиш учун Интернет тизими­га мурожаат қилишади;

• ўқувчилар билимини назорат қилиш учун: компьютер тестларидан фойдаланиш ўқув жараёни самарадорлигини оширади, мактаб ўқувчиларининг билим олиш фаоллигини оширади.

Диссертациянинг учинчи боби “**Бошланғич синф ўқувчиларда тарихий онгни шакллантириш самарадорлиги**” тарзида номланиб, унда олиб борилган тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари таҳлили баён этилган.

Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларда тарихий онгни шакллантириш борасида ўтказилган илмий-тадқиқот иши самарадорлигини аниқлаш, унинг ҳақиқатан ҳам долзарблигини амалий далиллаш, олинган илмий хулосаларнинг тўғрилигини исботлаш, ишдан кўзланган мақсад ва вазифаларнинг аҳамиятини амалиётда кузатиш учун тажриба-синов ишлари олиб борилди.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди:

